

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
"Камчикавтойўл" ихтисослаштирилган  
йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси  
бош мухандиси



О.Нематов

2022 й

**БУЮРТМАЧИ:**

**«ҚАМЧИҚАВТОЙЎЛ» ИЙФУК  
“Камчикавтойул” ИЙФУК тасарруфидаги 4Р-184  
“Ангрен шахрини айланиб ўтиш” автомобил  
йулининг 1,6 км жойлашган “Қорабоғсой”  
кўпригини жорий таъмирлаш ишлари учун  
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Қамчиқ довони -2022**

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

## **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2018 йил 9 апрелдаги №472-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартибатомайларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Хизматда шартнома асосида “Камчикавтойул” ИЙФУК тасарруфидаги 4Р-184 “Ангрен шахрини айланиб ўтиш” автомобил йўлининг 1,6 км жойлашган “Қорабоғсой” кўпригини жорий таъмирлаш ишлари учун.

1.2. Танлов охирги қиймати – **2 963 973 950 (Икки миллиард тўққиз юз олтимиш уч миллион тўққиз юз етимиш уч минг тўққиз юз эллик)** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник кисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан лойихачи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 йил.

1.5 Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. “ҚАМЧИҚАВТОЙЎЛ” ИЙФУК, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: 160018, Узбекистон, Наманган вилоятим Поп тумани, А-373 “Тошкент-Ўш” автомобил йўлининг 230 км, Резак қишлоғи, Булоқ массиви

Эл.адрес: qamchiqiyfk@mail.ru, qamchiq@uzavtoyul.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Қамчикавтойўл” ИЙФУК биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар кўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Күйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайды: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, күшилиш), тугатиш ёки банкротлик араfasида турғанлар; мол-мулки мусодара қилингандар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойиҳани график кисми (чизмалари) билан танишиб чиқиши ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши хақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.